BINOSOZ F3

## Қурилиш хўжжатларини ясаш учун дастурий таъминот

# Фойдаланувчи учун қўлланма

Simcod МЧЖ | www.binosoz.uz

# Мундарижа:


1. **Кириш**

2. **Фойдаланишга тайёргарлик**
   - 2.1. Тизим талаблари
   - 2.2. Дастурни фаоллаштириш
   - 2.3. Фойдаланувчини авторизациялаш

3. **Жараёнлар тавсифи**
   - 3.1. Дастлабки маълумотларни киритиш
   - 3.2. Шакл 3.3 хўжжатини танлаш ва юклаш
   - 3.3. Хўжжат санасини ўчириш ёки ўзгартириш
   - 3.4. Хўжжат ясаш
   - 3.5. Натижалар индикаторлари
   - 3.6. Хўжжатни **.xlsx** шаклида алоҳида сақлаб олиш
   - 3.7. Барча хўжжатларни ўчириш

4. **Кўп сўраладиган саволлар**

# 1. Кириш

Binosoz-F3 – ҳисоб-фактура маълумотномаларини (Шакл 3) тез ясаш учун қулай дастурий таъминот. Ҳар бир қурилиш объекти учун алоҳида **.f3** шаклидаги файл яратилади ва дастур ёрдамида қўйидаги хўжжатларни ясаш ва алоҳида **.xlsx** файлга сақлаб олиш мумкин:

- ✓ Бажарилган ишлар ҳисоб-фактура маълумотномаси (уйлар кесимида)
- ✓ Бажарилган ишлар ҳисоб-фактура маълумотномаси (ишлар кесимида)
- ✓ Бажарилган ишлар ҳисоб-фактура маълумотномаси (тўлиқ шакл)
- ✓ Ҳисоботлар тўғрисида тўлиқ маълумот
- ✓ Қурилиш ишларини бажариш ойлик жадвали

# 2. Фойдаланишга тайёргарлик

## 2.1. Тизим талаблари

Binosoz-F3 дастурини урнатиш талаб этилмайди ва уни бошқа компьютерларга кўчириш, USB дискда сақлаш ва интернет орқали узатиш мумкин.

Дастурий таъминот 32 ва 64 бит версияли Windows операцион тизимига эга компьютерларда ишлайди.

Binosoz-F3 ишлаши учун компьютерда Microsoft Excel 2010 ёки ундан юқори иловаси ва интернет алоқаси мавжуд бўлиши лозим.

## 2.2. Дастурни фаоллаштириш

Дастур тўлиқ ишлаши учун дастурни фаоллаштириш талаб этилади.
Бунинг учун дастурий таъминот етказиб берувчидан (www.binosoz.uz) фаоллаштириш калити олиниб **СТАРТ** панелида маҳсус катакка киритилади.

Фаоллаштириш калити – бу фойдаланувчининг шахсий ҳисоб рақами бўлиб, пулли хизматлар учун тўловлар ечиб борилади. Тўлов фақат янги хўжжат ясаш учун ва фақат фойдаланувчининг тасдиғидан кейин ечиб олинади. Қолдиқ **СТАРТ** панелида кўринади. Мавжуд қолдиқни кўриш учун **АКТИВИРОВАТЬ** тугмасини босинг.

## 2.3. Фойдаланувчини авторизациялаш

Дастур фаоллаштирилгандан кейин, авторизация қилиш учун пароль киритишингиз керак. Файл ҳар очилганда авторизация қилиш талаб этилади. Парольни ўзгартирмокчи бўлсангиз, авторизация ҳолатида янги пароль киритишингиз мумкин.

Фаоллаштириш калитини ва парольни бошқа шахсларга берманг, акс ҳолда бошқа шахслар томонидан ҳисобингиздаги маблағ ишлатилиши мумкин.

# 3. Жараёнлар тавсифи

## 3.1. Дастлабки маълумотларни киритиш

**ДОКУМЕНТ** панелини очинг ва у ерда объект номи, томонлар реквизитлари, объект тури (кўп қаватли / якка тартибдаги), уйлар рақамлари ва бошқа объект қийматини шакллантириш ва хўжжатни расмийлаштириш учун зарур бўлган маълумотларни киритнг. **ОК** тугмаси ёрдамида киритилган маълумотларни сақлашингиз мумкин.



**СМЕТА** номли варақда Локал ресурс маълумотномасидан керакли маълумотлар киритилади. Ушбу варақ иш номларини киритиш учун **55** қатордан ва **30**та объект учун иш номларининг ҳажмлари ва қийматиларини киритиш учун устунлардан иборат.

Маълумотларни бошқа файлдан кўчиришда, сичқончанинг ўнг тугма менюсида жойлашган **Вставить** ёрдамида амалга оширишингиз мумки. Агар Ctrl+V тугмалари ёрдамида, бошқа файлдан маълумотларни кўчирсангиз, жадвал шакли ўзгариши мумкин. Жадвал шакли ўзгарса, жадвалнинг ўнг томон тепа қисмида жойлашган сиёҳранг тугма ёрдамида жадвал шаклини созлашингиз мумкин.




Иш турлари қийматларини ҚҚСсиз киритинг. Агар иш турларини бўлимларга ажратмоқчи бўлсангиз, Сумма графасида **1** рақамини киритинг. Агар шартнома ҚҚС билан бўлса, объектнинг умумий қиймати ҚҚС билан кўрсатилади.

*Жадвал шакли* *Умумий қиймати ҚҚС билан*

*1 рақами билан бўлимларга ажратинг*

| Ф | ВИДЫ РАБОТ \|?\| | ЕД.ИЗМ. | КОЛ-ВО | СУММА | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 4 117 389 984,55 | ВСЕГО | № 1-1 | 3 580 339 117,00 | | 0,00 | | 0,00 | | 0,00 | | 0,00 |
| 1 | ПОДЗЕМНАЯ ЧАСТЬ | | | 1,00 | | | | | | | | |
| 2 | ЗЕМЛЯНЫЕ РАБОТЫ | М3 | 13 176,00 | 30 119 040,54 | | | | | | | | |
| 3 | ФУНДАМЕНТЫ | М3 | 268,00 | 209 832 450,44 | | | | | | | | |
| 4 | ПОДЗЕМНЫЕ КАНАЛЫ | М | 1,60 | 6 965 365,58 | | | | | | | | |
| 5 | ОТМОСТКА | М3 | 38,94 | 5 803 213,41 | | | | | | | | |
| 6 | НАДЗЕМНАЯ ЧАСТЬ | | | 1,00 | | | | | | | | |
| 7 | СТЕНЫ | М3 | 647,40 | 661 656 282,98 | | | | | | | | |
| 8 | ПЛИТЫ ПЕРЕКРЫТИЯ | ШТ | 237,00 | 472 994 994,14 | | | | | | | | |
| 9 | КРОВЛЯ | М2 | 528,00 | 171 315 028,21 | | | | | | | | |
| 10 | ОКОННЫЕ БЛОКИ | М2 | 512,10 | 147 814 067,47 | | | | | | | | |
| 11 | ДВЕРИ | М2 | 294,58 | 190 486 677,62 | | | | | | | | |
| 12 | ПЕРЕГОРОДКИ | М3 | 4,72 | 93 057 394,62 | | | | | | | | |
| 13 | ПОЛЫ | М2 | 1 440,00 | 218 681 760,31 | | | | | | | | |
| 14 | ВНУТРЕННАЯ ОТДЕЛКА | М2 | 11 070,00 | 192 338 778,28 | | | | | | | | |
| 15 | НАРУЖНАЯ ОТДЕЛКА | М2 | 3 844,00 | 306 692 256,39 | | | | | | | | |
| 16 | ЛЕСТНИЦА | М2 | 18,00 | 76 173 971,82 | | | | | | | | |
| 17 | КОЗЫРЕК | М2 | 48,00 | 8 423 675,45 | | | | | | | | |
| 18 | ВЕНТШАХТЫ | ПМ | 24,00 | 27 520 247,68 | | | | | | | | |
| 19 | ИНЖЕНЕРНАЯ ЧАСТЬ | | | 1,00 | | | | | | | | |
| 20 | ВЕНТИЛЯЦИЯ | ШТ | 25,00 | 13 806 752,72 | | | | | | | | |
| 21 | ОТОПЛЕНИЕ | КВТ | 157,00 | 195 431 597,30 | | | | | | | | |
| 22 | ХОЗПИТЬЕВОЙ ВОДОПРОВОД | М | 683,00 | 38 562 682,94 | | | | | | | | |
| 23 | ГОРЯЧИЙ ВОДОПРОВОД Т3 | М | 546,00 | 17 176 390,66 | | | | | | | | |
| 24 | КАНАЛИЗАЦИЯ К1 | М | 413,00 | 56 493 902,39 | | | | | | | | |
| 25 | ГАЗОСНАБЖЕНИЕ | М | 629,70 | 88 501 801,52 | | | | | | | | |
| 26 | ЭЛЕКТРОМОНТАЖНЫЕ РАБОТ | М | 6 114,00 | 179 680 689,06 | | | | | | | | |
| 27 | ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЕ ОБОРУДС | КОМП | 24,00 | 135 918 110,59 | | | | | | | | |
| 28 | ПРИСТРОЙКИ | | | 1,00 | | | | | | | | |

## 3.2. Шакл 3.3 хўжжатини танлаш ва юклаш

**ДОКУМЕНТ** панелидаги **ВЫБРАТЬ** тугмаси ёрдамида Ҳисоб-фактура (Шакл 3) хўжжатини танлаш ва юклаб олиш мумкин. Фақат Binosoz-F3 ёрдамида ясалган ва сақлаб олинган Шакл 3.3 (Форма 3.3) хўжжатга эга файлни юклаш мумкин. **ДОКУМЕНТ** панелидаги № катагида хўжжатнинг рақамини кўрсатишингиз мумкин.

## 3.3. Хўжжат санасини ўчириш ёки ўзгартириш

Хўжжат санасини танлаб, сўнг **УДАЛИТЬ** тугмаси ёрдамида хўжжатни ўчириш мумкин. Шунингдек, охирги ясалган хўжжатнинг санасини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун, охирги хўжжатдан олдинги хўжжатнинг санасидан олдин бўлмаган санани кўрсатган ҳолда **ИЗМЕНИТЬ** тугмасини босинг. Эски хўжжатлар саналарини ўзгартириш мумкин эмас.




*Хўжжат рақами*

## 3.4. Хўжжат ясаш

Хўжжат санасини **ДОКУМЕНТ** панелида кўрсатинг ва **ОК** тугмасини босинг. **ОБНОВИТЬ** тугмаси ёрдамида танланган сана кунига фоизлар ва бошқа маълумотлар ҳолатини кўрсатинг.

Бажарилган ишларни фоизда кўрсатиш учун 100 сонигача киритишингиз мумкин. Агар киритилган сон 100дан юқори бўлса, бажарилган ишнинг қиймати деб ҳисобланади ва кўк рангда белгиланади.




Бажарилган ишлар фоизлари/қийматлари кўрсатилгандан кейин, хўжжатни хотирага сақлаш учун **ЗАПИСАТЬ** тугмасини босинг.

Охирги ясалган хўжжатга ўзгартириш киритиб қайтадан **ЗАПИСАТЬ** ёрдамида сақлашингиз мумкин. Охирги хўжжатдан олдинги хўжжатларни ўзгартириш мумкин эмас.

## 3.5. Натижалар индикаторлари

Индикаторлар объектлар, бўлимлар, материаллар қийматларини, ҳамда бажарилган ишлар фоизларини кўрсатади. Сичқончанинг кўрсаткич ўқини индикатор устига олиб бориб индикатор қайси маълумотни кўрсатишини билишингиз мумкин.



4 117 389 984,55 | 1 012 743 595,46 | 24,6% | 3 580 339 117,00 | 880 646 604,75 | 24,6% | 472 994 994,14 | 300 000 000,00 | 63,4% | 1 012 743 595,46 | 891 214 364,01 | 24,6% | 22.02.2021 | СОХРАНИТЬ | ОБНОВИТЬ | ЗАПИСАТЬ | 5 000 000,00 | 5 000 000,00





4 117 389 984,55 | 1 012 743 595,46 | 24,6% | 3 580 339 117,00 | 880 646 604,75 | 24,6%

| № | ВИДЫ РАБОТ | 1-1 |
|---|---|---|
| 1 | ПОДЗЕМНАЯ ЧАСТЬ | |
| 2 | ЗЕМЛЯНЫЕ РАБОТЫ | 100 |
| 3 | ФУНДАМЕНТЫ | 100 |
| 4 | ПОДЗЕМНЫЕ КАНАЛЫ | 100 |
| 5 | ОТМОСТКА | 50 |
| 6 | НАДЗЕМНАЯ ЧАСТЬ | |









22.02.2021 | СОХРАНИТЬ | ОБНОВИТЬ | ЗАПИСАТЬ | 5 000 000,00 | 5 000 000,00

| МАТЕРИАЛЫ | ЕД.ИЗ. | КОЛ-ВО | СУММА | ВТЧ НАКЛ. | ВТЧ НДС |
|---|---|---|---|---|---|
| ПИЛОМАТЕРИАЛ | М3 | 5,00 | 5 000 000,00 | 582 380,00 | 652 173,91 |
| ДСП | М3 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 |
| МЕТАЛЛИЧЕСКИЙ ЛИСТ | М2 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 |
| УСЛУГА ПЕРЕРАБОТКИ | М2 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 |
| АКСЕСУАРЫ | СУМ | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 |
| УСЛУГА ПЕРЕРАБОТКИ | СУМ | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 |

### 3.6. Хўжжатни.xlsx шаклида алоҳида сақлаб олиш

**СОХРАНИТЬ** тугмаси ёрдамида танланган хўжжат алоҳида файлга **.xlsx** шаклида сақлаб олинади.

### 3.7. Барча хўжжатларни ўчириш

Сичқончанинг ўнг тугма менюсида жойлашган **ОЧИСТИТЬ** ёрдамида барча хўжжатларни ўчиришингиз мумкин.




# 4. Кўп сўраладиган саволлар

### 4.1. Сақланган .f3 файлни тўғридан тўғри очса бўладими?

Сақланган **.f3** файли устида сичқончанинг ўнг тугмасини босинг. Очилган менюда **"Открыть с помощью->Выбрать программу…"** орқали Binosoz-F3 дастурини танланг ва **"Использовать выбранную программу для всех файлов такого типа"**ни белгилаб **OK** тугмасини босинг. Энди **.f3** файлларни тўғридан тўғри Binosoz-F3 ёрдамисиз очишингиз мумкин.

### 4.2. Агар .f3 файлни фаоллаштирилган ҳолатдан чиқармасдан, бошқа шахсларга берган бўлсам нима бўлади?

Бошқа шахслар авторизация бўлмасдан файлни ишлата олишмайди. Агар ўзингиз бошқаларга паролингизни маълум қилган бўлсангиз, сиз авторизация ҳолатида паролингизни ўзгартириб қўйишингиз мумкин. Агар паролингизни унутган бўлсангиз, паролни тиклаш учун дастур етказиб берувчиси билан боғланишингиз мумкин.

**Агар сизда саволлар, ёки Binosoz-F3 бўйича таклифлар бўлса, уларни қабул қилишдан хурсанд бўламиз.**